



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (12.356)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 март куни Оқсаройда Франция Республикаси ташқи ишлар вазири Лоран Фабиусни қабул қилди.

Франция ташқи ишлар вазинининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон — Франция муносабатларини мустаҳкамлаш, халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммолар бўйича изчил ривожланиб бораётган мулоқотнинг мантикий давомидир.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашган, ўзаро учрашувлар изчиллик касб этаётгани Францияда Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор берилишининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади. Ислам Каримов Франция Президенти Франсуа Олландга яқинда йўлаган самимий ва эзгу тилаклар, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш истаги билдирилган мактуби учун миннатдорлик изҳор этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокида тузилган йигирмадан зиёд кўшма корхона, шунингдек, ушбу мамлакатнинг қатор йирик компаниялари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларига, хусусан, Франциянинг етакчи компаниялари иштирокида ўзаро манфаатли юқори технологияли қўшма лойи-

ҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Франция делегацияси таркибида қатор йирик компаниялар раҳбарлари ҳам ташриф буюрган.

Томонлар мазкур ташриф доирасида имзоланган Ўзаро англашув меморандумига мувофиқ мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаётган Франция тараққиёт агентлиги йўналиши бўйича ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир долзарб муаммолар, аввало, Афғонистонда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган моҳарони тинч йўл билан ҳал қилиш, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига ёрдам бериш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Мулоқот чоғида, шунингдек, давлатлараро ва фуқаролик жамияти институтлари даражасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Лоран Фабиус самимий қабул ҳамда томонларни қизиқтирган кенг қўламли масалаларни конструктив рўҳда муҳокама этиш имконияти яратилгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

(ЎЗА)



ЁШЛАРИМИЗ КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жаҳон мамлакатлари ва турли нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бу борада шахримиз мактабларида ҳам таълим ва тарбия соҳаларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса ёш авлодни замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш, илғор технологик жараёнларни татбиқ қилиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёш авлод камолоти йўлидаги бундай масъулиятли ишларда ўқитувчи-устозларнинг меҳнатлари тахсинга лойиқ, албатта.

Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактабнинг математика ва география фани ўқитувчиси Васила Гарипова ҳам ана шундай эзгу мақсадларни дағиға тугида ёшлар келажаги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган устозлар сирасига киради.

Тажрибали муаллим ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга фан тўғралаарида ҳам қизиқарли машғулотларни олиб боради. Масалан, «Математика оламига саёҳат» тўғраги ушбу фанга

қизиқувчи иқтидорли ўқувчиларни бирлаштирган.

— Келажаги порлоқ ёшларни етук, баркамол инсонлар сифатида вояга етказиш асосий мақсадимиздир, — дейди Васила Гарипова. — Зеро, замонавий техника воситалари билан тиллашаётган янги технологиялар асосида таълим берилаётган бугунги ёшлар мамлакатимиз буюк келажининг бунёдкорларидир.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: ВАСИЛА ГАРИПОВА ўқувчилари билан

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, унинг институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган ҳамда аҳоли ҳаёт сифати ва фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

2013 йил — Обод турмуш йили

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

«Обод турмуш йили» Давлат дастурининг олтинчи бўлимида маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ёш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ҳамда аҳоли турар-жойларининг қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўчалар-зорлаштиришга оид масалаларни ҳал этиш борасидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Давлат дастурини бажариш доирасида маҳаллалар ва қишлоқларни обод қилиш бўйича кенг қўламли ишлар изчил давом эттирилади. Шу мақсадда «Замонавий маҳалла» меъморчилик-режалаштириш намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилади, мавзе ва маҳаллалардаги йўллар ва кўчаларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек, уларнинг ташқи ёритиш тизимларини қайта тиклаш, реконструкция ва модернизация қилиш, капитал таъмирлаш дастури тасдиқланди. Намунавий лойиҳаларга мувофиқ яқка тартибдаги ва кўп қаватли турар-жойлар, биноларнинг олд қисмини ва томларини таъмирлаш, маҳаллалар худудидаги ирригация ҳамда дренаж тизимларини янгилаш кўзда тутилган. Қўчалар ва йўлаклар замонавий услубда таъмирланади, уларнинг ёритиш тармоқлари энергия тежовчи технологияларни қўллаш ҳисобидан яхшиланади. Аввал қурилган болалар майдончаларини реконструкция қилиш ва янгиларини барпо этиш, ободонлаштириш ҳамда кўчалар-зорлаштириш режалаштирилган. Мини футбол, баскетбол ва волейбол машғулотлари учун спорт майдончалари қўйлади.

2013-2015 йилларда кўчалар-зорлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади. Маҳаллалар ичидаги кўчалар бўйларига ва махсус ташкил этиладиган «яшил» худудларга ҳар йили 15 миллион тул манзарали ва 29,5 миллион тул мевали дарахт, шунингдек, 10 миллион тул бутла ҳамда гул кўчатлари экилади. Бугуннинг барчаси дам олиш, аҳолини эстетик тарбиялаш ва соғломлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Турар-жойларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш, узоқ умрликнинг маҳаллаларини тоза икклик суви билан таъминлашни кенгайтириш, қишлоқда экологик вазиятни янада яхшилаш ҳам белгиланган муҳим вазифалар сирасига киради.

Ушбу муҳим ишларнинг аксарияти Давлат дастурида режалаштирилган қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш бўйича «Обод уйим» лойиҳаси орқали амал-

га оширилади. Бу ишларга нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Одамлар, айниқса, болалар ва ёшларнинг интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини янада тўлиқ таъминлаш учун барча зарур шароитлар яратишга ҳам катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги клуб муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш орқали 2013-2018 йилларга мўлжалланган Маданият, санъат ва аҳолининг дам олиш марказларини ташкил этишга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолининг мазмунли дам олишини ташкил қилиш, халқ ижодиётини ривожлантириш, маданият муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 2013-2015 йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлашни кенгайтиришга доир белгиланган комплекс тадбирлар шахарлар ҳамда маҳаллалар худудларида санитария-экологик вазиятни янада яхшилашга қаратилган. Чиқиндиларни йиғиш бўйича фаолият кўрсатаётган пунктларни модернизация қилиш ва янгиларини ташкил этиш, замонавий контейнерлар билан жиҳозлаш, шунингдек, махсус техника паркни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобидан янгилаш шулар жумласидандир. Маиший чиқиндиларни йиғиш, транспортировка ва утилизация қилиш бўйича жаҳон амалиётида синовдан ўтган услублар жорий этилади. Тошкентда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Кейинчалик бундай лойиҳалар мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади, бу борада тегишли худудий дастурлар қабул қилинади. Чунончи, уларнинг биноларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш, компьютер ва бошқа техника воситалари, мебель билан таъминлаш, янги маҳалла гузарларини ташкил этиш ҳамда уларга туташ худудларни ободонлаштириш кўзда тутилган.

Жорий йилда қишлоқ жойлардаги маҳаллаларда янги иш ўринлари яратиш, яшаш жойида маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзларини бериш дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Бу эса қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда)



• Фарғонада «Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳудудий муаммоларни ҳал қилишдаги роли» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

• Навоий давлат кончилик институтида олий таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш борасида эришилган ютуқлар ва истикбол режалари мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ўтказилган тадбирда мазкур партия, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

• Наманганда Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан вилоят Фермерлар кенгашининг келгусидаги дастурий режаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Андижонда «Она алласида Ватан мадҳи» номдаги вилоят кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда туман ва шаҳар босқичида голиб бўлган бадий жамоалар асрлар оша давом этиб келаётган ҳамда замонавий алла ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

• Жиззах туманида шартномавий ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, ер, сув ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси, фермерлар кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, банк, солиқ муассасалари мутахассислари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди.



• Бразилия ҳарбий денгиз кучлари 2023 йилда ilk атом сув ости кемаси билан қуролланади. ProSub номини олган атом сув ости кемаларини яратишга йўналтирилган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,8 миллиард доллардан иборат бўлиши тахмин қилинмоқда.

• Кеча Гамбияда аҳоли кўз ўнгига маҳаллий полиция ҳамда Британиянинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича агентлигининг ҳамкорлигидаги тадбири чоғида мусодара этилган 2191 килограмм кокаин гиёҳвандлик моддаси ёқиб юборилди. Ушбу тадбирда Буюк Британия, АҚШ, Франция ва тайванлик дипломатлар ҳам иштирок этишди.

• Кеча Конго Демократик Республикасида рўй берган авиаҳалокат натижасида 36 киши ҳаётдан кўз юмди. Яъни, САА хусусий авиакомпаниясига қарашли Fokker 50 русумли самолёт Лоджа шаҳридан мамлакат шимолидаги Гома шаҳрига парвоз қилаётган чоғида аэропортга етиб бормасдан шаҳар маркази устига қулаб тушган. Фожиа сабаблари аниқланмоқда.

• Францияда йигирма бир ойдан буён ишсизлар сони кўпайиб бормоқда. Мамлакат меҳнат вазирлигининг маълум қилишича, жорий йилнинг январь ойида улар сони яна 43900 кишига ошган. Шу тариқа Францияда меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли сони қарийб 3 миллион 170 минг кишига етди.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Оммавий ах-

борот воситаларида палата фаолиятини ёритиш йўллари ва истиқболдаги режалар» мавзусига бағишланди.

✓ **БУГУН** Республика иختисослаштирилган санъат мактабида

Қосимовлар оиласининг «Обод турмуш йили»га бағишланган «Баҳор шудринги» деб номланган кўргазмаси очилди.

✓ **БУГУН** «Ташаббус – 2013» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек,

Чилонзор, Олмазор туман босқичлари ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туман ҳокимлигида «Онажон мўътабар» лойиҳаси ва «Баҳор марафони» тадбири бўлиб ўтади.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар ташкилотлари ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг самарасини янада кучайтиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Ислом КАРИМОВ

Бутун дунёда жамият тараққиётининг даражаси хотин-қизларга бўлган муносабатга қараб белгиланади. Бу бежиз эмас, албатта.

Хотин-қизлар мамлакатимизда аҳолининг 51,5 фоизини ташкил этади. Халқимизда аёл элнинг улуг'лашининг кўп асрлик мўътабар анъаналари шаклланибди. Мустақиллик йилларида жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва маънавияти янада кучайтириш, уларнинг саломатлигини таъминлаш, таълим олиши, касб-хунар ўрганиши, меҳнат қилиши, бахтли яшashi, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб беришга қаратилган илмий давлат сиёсати олиб бориляпти.

Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёллар масаласида 80 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили», 2008 йилнинг «Ёшлар йили», 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили», 2012 йилнинг «Мустақам оила йили» деб номланган замирида ҳам бевосита ёхуд бевосита аёллар масаласига дахлдорлик бор. «Обод турмуш йили»нинг тўб моҳиятида ҳам жамиятда хотин-қизлар ўрни ва маънавияти ошириш, улар учун барча қўлайликларга эга шарт-шароитлар яратиб бериш мақсади ётибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда аёлларга муносабатининг янги бир даражага кўтарилишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш,

соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 июлдаги, «2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эгу ишлар қилинди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустақамлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари ҳузурида ишчи комиссиялар ташкил этилган ва улар қошида махсус жамоатчилик кенгашлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу йилнинг 25 январда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги ҳисобот-салоҳ конференцияси бўлиб ўтди. Ана шу конференция қарори шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари фаолиятини тубдан яхшилашга имкон яратди. Ҳозир, мамлакатимизнинг барча минтақа ва ҳудудларида бўлган каби, Тошкент шаҳрида ҳам ана шу конференция қарори ижросини таъминлаш бўйича фаол иш олиб бориляпти.

Хотин-қизларнинг республика конференциясида муҳтарам Юртбошимизнинг табриклари ўқиб эшиттирилди. Анжуман қатнашчилари, жумладан, мана бу самимий сўзларни ўзгача ҳаёқон билан тингладилар: «Мамлакатимиз олдига турган устувор вазифаларни амалга оширишда – бу жамиятнинг демократик янгилаш бўладини, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўладини, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият соҳаларини ривожлантириш бўладини – буларнинг барчасини муваффақ қилиб айтганда, Ўзбекистонимиз эришган ва дунё ҳам-жамияти тана олаётган марраларни эгаллаш йўлида бутун халқимиз қатори аёлларимизнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳиссаси борлигини бугун яна бир бор чуқур миннатдорлик билан эътироф этишни зарур деб биланамиз».

Бу табрикда кўмита амалга оширган фаолиятни ҳолис баҳолаш билан бирга, келгусида қилинишни зарур бўлган ишлар, амалий йўналишлар ҳам белгилаб берилди. Хусусан, мана бу сўзлар барчамизни ҳушёрликка, янада фаолроқ бўлишга ундайди: «Ҳозирги вақтда дунёда ва минтақамизда вазият тобора кескинлашиб, ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бир шариоатда оилаларда, маҳаллаларда фаол иш олиб бориш, ёш авлодимизни турли зарарли оқим ва таъсирлардан сақлаш, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган инсоний фазилатларни асраш қандай муҳим аҳамият касб этаётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз».

Биз бутун фаолиятимизни ана шу кўрсатмалар асосида ташкил этилиши керак. Шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЕИХ шаҳар ва туманлар бўлимлари, Халқ таълими бош бошқармаси томонидан, мактаб, коллеж ва лицейлар раҳбарияти, маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллари билан ҳамкорликда барча таълим муассасаларида ўқувчилар давомида, аynиқса, қизларнинг дарсга қатнашмаслик сабаблари ўрганилмоқда ҳамда ҳар ҳафта Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасига давомат бўйича жадвали маълумотлар бериб боришмоқда, бу камчилиқни бартараф этиш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Охириг уч йил давомида шаҳарда ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож 300 дан ортиқ ёш оиланинг ниҳон тўйи, бир ярим мингга яқин боланинг суннат тўйи ўтказилди ҳамда ниҳонлаётган ёш тўйи бўлаётганларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ва бош жамоат нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда 2012 йил давомида кам таъминланган, яққал, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган жами 136 та оилалар 86 миллион 236 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди.

Эҳтиёманд оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йил давомида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти шаҳар ташкилоти, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг шаҳар таянч маскани, «Оила» марказининг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан жами 55 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Меҳнат бўлимига томонидан 2012 йил давомида жами 21 минг 311 нафар иш қилдираётган аёл рўйхатдан ўтган. Шулардан 16 минг 831 нафар ишга жойлаштирилди, 4 минг 388 нафари ўқишга юборилди, 4 минг 20 нафарига ишсизлик макоми берилиб, 3 минг 688 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди, 87 нафари «уста-шогирд» йўналиши бўйича фаолият олиб борапти.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида банклардан кредит олишда тадбиркор аёлларга қўмаклашиш вазифаси белгилаб қўйилган. Марказий банк томонидан 2011 йил давомида яқна тартибдаги аёл-тадбиркорларга ҳамда асосан аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва аёллар бошқарадиган корхоналардаги 999 нафар тадбиркор аёлга 115 миллиард 184 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, 2012 йил давомида 1 минг 101 нафар аёлга 169 миллиард 997 миллион сўм кредит берилган хотин-қизларнинг тадбиркорлик борасидаги фаолияти йил сайин ошиб бораётганидан далолат беради. Бугунги кунда шаҳримизда доимий рўйхатда турувчи 600 нафарга яқин хотин-қиз «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлди. Улар миллий хунармандчиликнинг каштанчилик, зардўзлик, дўппидўзлик, шунингдек, тўн, миллий пойабзал, сумкалар тикиш йўналишлари бўйича фаолият юритмоқда.

Олиб боришган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида нотинч оилалар, диний экстремистик оқимга мойил хотин-қизлар, хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар, одам савдосида жабр қўлган аёллар ва ғиёванд аёллар сони, эрта ҳомиладорлик ва болалар ўлими сони бирмунча камайди.

Лекин, ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам бор. Оилавий низоларни бартараф этиш, ажримларнинг олдини олиш борасидаги ишлар етарли даражада ташкил этилмагани оқибатида оилавий ажримлар сони 3 минг 622 таи ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 82 тага ошгани – ачинарли ҳол. 2012 йил мобайнида она ва бола саломатлигини мустақамлаш, эрта турмуш қуриш ва эрта туғруқларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган эзгу ишларга қарамай, туғруқлар жараёнида оналар ўлими айрим туманларда ҳали ҳам муаммолигича қолмоқда.

2013 йил – Обод турмуш йили

АЁЛНИ УЛУҒЛАШ – ОИЛАНИ, ВАТАННИ, ҲАЁТНИ УЛУҒЛАШДИР



«Мустақам оила йили» деб номланган 2012 йилда жамиятимизда юқоридаги каби иллатларнинг илдиз отиши ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди, албатта. Бу борада Хотин-қизлар кўмиталари, Ички ишлар, Маънавий тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЕИХ ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг шаҳар бўлимлари мазкур йўналишдаги фаолиятларини қайта кўриб чиқиш, ҳаммамиз биргалашиб, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишимиз зарур.

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йили «Обод турмуш йили» деб эълон қилар эканлар, «ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл элнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жаҳда ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиш ола-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш» масаласини алоҳида йўналиш сифатида белгилаб бердилар.

Шунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 февралда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг 7-бўлими (Дастур жами 8 бўлимдан иборат) айнан: «Оилаларни янада мустақамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда аёлларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларидаги фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидорини намойен қилиш ва уй-рўзғордаги ишларини енгиллаштириш учун қўлай ижтимоий-маиший шартлоллар яратиш чора-тадбирларини амалга ошириш», – деб номланади.

Бинобарин, обод турмушни аёлларсиз, уларнинг иштирокисиз, улар учун яратилган шарт-шароитларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бутун дунёда «турмуш» деганда, аввало, оиладаги ҳаёт тушунилади. Шундай экан, турмушимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл элнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жаҳда ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлиш ола-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Яқинда шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари қўллаб-қувватлаш ҳамда оилаларни мустақамлаш, улардаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳитни янада яхшилаш борасидаги вазифалар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу ҳам айнан юқорида таъкидланган конференция қарори ижросини таъминлашга қаратилган.

Қарорга қўра, мамлакатимизда оилалар ва хотин-қизларга бўлган эътибор бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатини ҳар бир оилага етказишга эришиш, жамиятда хотин-қизлар фаоллигини янада кучайтириш ва хотин-қизлар кўмиталари маънавияти ошириш мақсадида Тошкент шаҳри ва туман ҳокимликлари ўз ҳудудидagi соҳага тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси ҳамда хотин-қизлар масалаларига муносабатини тубдан ўзгаришиш мақсадида ҳафтаинг ҳар сешанба кuni «Оила ва хотин-қизлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш кuni» деб белгиланди.

Хотин-қизлар кўмиталари вазифалари устувор йўналишларининг ижросини ўз ичига олган 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинган. Ана шу Дастур ижросини ҳамда оилаларни ўрганиши ташкил этиш бўйича шаҳар ишчи гуруҳи тузилди. Ҳудди шунингдек, шаҳримиздаги 11 та туман, 476 та маҳаллада ҳам шундай ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Чўчки бу борада ҳар бирининг ўз муаммоси, ечимини кутаётган масаласи мавжуд. Бу аҳолининг ўз вақтида ўрганиб, ечим топиш зарур. Бундан буён туманлар ҳамда улардаги маҳаллаларда оилалар, биринчи навбатда, эҳтиёманд хонадонларга, улардаги хотин-қизларга муносиб ижтимоий-маиший шартлолларни яратиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллалардаги эҳтиёманд ва муаммоли оилаларни ўрганиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, хонадонлар турмушини янада соғлом ва обод қилиш, аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга эришиш кунинг долзарб масалаларидан бўлиб турибди.

Ҳар сешанба кuni туман ишчи гуруҳлари томонидан маҳаллалар ишчи гуруҳининг ҳисоботлари тингланбди, таҳлил қилинади, оилаларда аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича вазифалар белгиланади, уларда масъулар ҳисоботи эшитилади. Ишчи гуруҳлар мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кредит олишдаги муаммоларни ўрганиш ва мулк қаролати шакллари қўриб чиқиш, қўлай турлари бўйича кенг тарғибот ишларини олиб боришни таъминлайди.

Туман ишчи гуруҳлари ҳар ҳафтада шаҳар ишчи гуруҳига ҳисобот берадилар. Шу йўсинда оила – маҳалла – туман ва шаҳар бўйича яхлит тизим жорий этилди.

Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси пойтахтимиздаги оила, хотин-қизлар билан боғлиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятини ўрганиш мустақил институти, хотин-қизларга диний таълим бераётган таълим муассасалари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Оилавий қадриятларни сақлаш ва янада тақомиллаштириш бўйича оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишларини доимий олиб бориш, бу йўналишда қўриқ-танловлар ўтказиш режалаштирилди. Оилаларни, аynиқса, қизларни спортга кенг жалб этиш, иқтидорли қизларни аниқлаш, уларни Зулфия номидagi Давлат мукофотига тавсия этиб бориш илмий йўлга қўйилган. Мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда маҳаллалардаги «Ораста қизлар» тўғарақларини янада фаоллаштиришмоқ.

Оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ти-зимли ишларни ташкил этиш, хотин-қизларнинг тиббий ҳамада ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эришиш учун оилаларнинг тиббий-иқтимоий патронажини қатъий назоратга олиш лозим. Аслида бошқармасининг ФХДБ бўлими билан ҳамкорликда келин-куёвларни тиббий қўриқдан сифатли тарзда ўтказиш ҳамда «Ёш оила қурувчилар» мактаби машғулотларини мунтазам ўтказилишига эришишга ҳаракат қилиялми. Оналар ва болалар ўлими ҳолатларини кескин камайитиришга эришиш, салбий ҳолатларни танқидий таҳлил этиш, айбдорларга нисбатан кескин чоралар қўриш, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталарининг диққат марказидаги вазифалардан ҳисобланади.

Шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси Қасаба уюшмалари, шаҳар Кенгаши билан биргаликда қорхоналарда тузилган «Жамоа шартномалари»га хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга, қўлай меҳнат шартлолларини яратишга, дам олиш, соғломлаштиришга оид бандларни қиритишга ҳаракат қилиялми.

Оилаларни мустақамлаш, ни-коҳлар бекор қилинишининг олдини олиш, ички ва ташқи миграция ҳолатларини тартибга солиш ҳамда аёлларни уйдан, фарзандларни тарбиясидан узоқлашмаслигини таъминлаш ҳам олдимизга қатор муайян вазифалар қўяди. Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, оилавий ажрим, фоҳишабозлик, ўз жонига суиқасд қилиш, турли экстремистик оқимларга киришни ҳамда одам савдоси қурбони бўлишининг олдини олиш, гиёвандлик ва ОИВ касалликлари профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, қизларни шаърий никоҳ билан эрта турмушга беришининг ва уларнинг ҳомиладор бўлишининг олдини олиш, тўй-ҳашам, маърака, маросимларни ихчамлаштиришда жамоатчилик назоратини кучайтиришга эришиш, умумий ўрта таълим мактабини тугатган қизларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш ва улар даволатининг доимий назоратини ташкил этиш, оила, аёллар муаммолари билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал дефутлатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларига олиб чиқиш ҳақида диққат марказимизда турибди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг шаҳар бўлими билан биргаликда маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини ўрганиш, малакасини ошириш, уларни ҳаётий тажрибага, аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга кадрлар билан мустақамлаш ва бу ишларнинг доимий мониторингини олиб боришга киришдик.

Шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, «Оила» маркази, маҳалла оқсоқолларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ва ишчи гуруҳлари учун «Оилада маънавий муҳитни барқарорлаштириш масалалари» бўйича тавсиялар ишлаб чиқди. Уларда, жумладан, ўрганилаётган оиланинг, аввало, ижтимоий-маънавий муҳити, қолаверса, моддий таъминоти билан танишиш қўзда тутилган. Шунингдек, оилага қандай кириб бориш, оила таркиби ва бандлигини аниқлаш, муаммони ҳал этиш йўллари ишлаш, оилани маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш, муаммоли оилалар мониторингини олиб боришга эътиборни қаратиш тавсия этилади.

Ҳар бир маслаҳатчи бошчилигидаги ишчи гуруҳ (икки-уч кишидан иборат) аъзолари ҳар кuni унтакча оиланинг ижтимоий-маънавий ҳолатини атрофлича ўрганиш мақсада мувофиқ, деб топилади. Шунингдек, шаҳардаги 476 та маҳаллалар ҳар бирида оилаларни ўрганиш бўйича темир дафтарлар жорий этилди.

Жамият тараққий этиб борагани сайин аёлларнинг ўрни ва маънавияти ҳам ошиб борапти. Мамлакатимиз конунчилигида сайловларда депутатликка номзод аёллар учун 30 фоизли квота белгиланган. Шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси сиёсий партияларнинг «Аёллар қаноти» ва халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда салохиятли хотин-қизларнинг кадрлар захирасини яратиш, уларни ўқитишни йўлга қўйяпти.

Хулоса қилиб айтганда, «Обод турмуш йили» тўб моҳиятида халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадлар ётибди. Бу мақсаднинг нечоғли амалга ошиши эса жамиятда хотин-қизларга муносабат маданиятининг юксалишига ҳам бевосита боғлиқ. Бинобарин, хонадон ободлиги, аввало, аёл, унинг маънавияти, меҳнати, қўлай шариоити билан озога келади. Шу эзгу мақсад йўлида ҳаммамиз биргалашиб иш қўришимиз зарур. Зеро аёл маънавияти миллат маънавиятининг ўзагини ташкил этади.

Фарида АБДУРАХИМОВА,
Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси

МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ЖАРАЁНЛАРИДА МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёрдамга, меҳр-муруватга муҳтожлар ҳақида ғам-ҳўрлик қилиш халқимизга хос азалий фазилатлардан бўлиб, истиқлол йилларида улар янада ривожланмоқда. Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлат тузилмаларидан ташқари жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида оилалар, болалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади ва болани вояга етказиш бўйича ижтимоий нафақалар тўланади. Қаровга муҳтож ёлғиз қариялар ҳар ой тегишли моддий ёрдам олади. Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёлғиз пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилаларга куз-қиш мавсуми арафасида уйларини таъмирлашда ёрдам кўрсатилади. Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хотира ва қадрлаш кuni арафасида эса кам таъминланган оилалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига совғалар топширилади, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади.

Маҳалла мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ҳамда масъулиятини чуқур англаш руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган улкан ишларда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустақамлаш учун жорий йилда «Маҳалладан бошланган Ватан» широри остида комплекс маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилади. Маҳаллалар раислари иштирокида ўтказиладиган «Меҳрдан яшар кўнгил», «Бир болага етти қўшни ота-она» фототанлови, шунингдек, «Энг яхши маҳалла», «Энг намунали оила», «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи», «Намунали профилактика нозир» каби қўриқ-танловлар шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустақамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шериклиқни ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг нуфузи ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш амалга оширилаётган кенг қўламли ишлардан жаҳон ҳамжамиятини кенг ҳабардор қилиш мақсадида 2013 йилда маҳалла институтининг ташкил топиши ва ривожланиш тарихи ҳақида ҳужжатли фильм, халқимиз биллиги ҳамда аҳиллигини, жамиятимизда тинчлик-тотувлиқни таъминлашда маҳалланинг ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильмни суратга олиш режалаштирилган. Ушбу мавзуга бағишланган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» номли китоб, «Жамиятимизда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак» мавзусида илмий-оммабоп рисола chop этилади.

Муҳтасар айтганда, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувлиқни мустақамлаш, халқимиз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, барча жаҳдада ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, бу жараёнда давлат органлари ва фуқаролик жамиятининг маҳалла каби муҳим институтлари ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

(ЎЗА)

ПОЙТАХТ ЙЎЛОВЧИЛАРИГА ҚУЛАЙЛИК

Жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб Тошкент шаҳри автобус ва трамвайлари хизматидан фойдаланувчилар йўл ҳақи тўловини нафақат нақд пул орқали, балки жетонлар ёрдамида ҳам амалга оширишлари мумкин бўлади, деб хабар беради «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги.

«Тошшаҳартрансхизмат» ассоциациясидан маълум қилишларича, бу қарорга пластик картчалардан фойдаланувчи йўловчиларга қўлайлик туғдириш мақсадида келинган. Мазкур ҳолатда ойлик йўл чипталари аввалгидек амалда бўлади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига асосан транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқини бевучи гувоҳномага эга бўлган шахсларнинг имтиёзлари ҳам сақлаб қолинади.

Эндилкида йўловчи автобус ва трамвайда нақд пул ёхуд жетон орқали тўловни амалга оширганда унга чипта берилади. Ўз навбатида «Тошшаҳартрансхизмат» ассоциацияси маъмурияти бир марталик махсус жетонларни фақат ойлик чипталари сотиладиган дўконлардаги терминалдан банк пластик картчал


Обод шахрим — озода шахрим

ДАРАХТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТИНГ — ОБОДЛИКДА НУР ТАРАТИНГ

Юртимиз бўйлаб баҳорнинг илиқ нафаси эсмоқда. Гўзал ва ҳамиша навқирон Наврўзи олам яқинлашмоқда.

Шундай қутлуғ паллада — «Ободонлаштириш ойлиги»да шахримизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари авжида. Маҳаллалар ва ташкилотлар ҳудудлари тартибга келтирилиб, кўча ва хиёбонларга манзарали дарахтлар, кўчатлар ўтказилмоқда.

Шаҳримизда бу борада намуна бўлаётган илғор маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, шинам ҳамда озода кўп қаватли уйлар талайгина. Бу эзгу ишларда ёшу кексалар ғайрат кўрсатишиб, шахримиз ободлигига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.



Кўнгилларни равшан этадиган манзаралар




Сергели туманидаги "Умумий меҳнат" ХУЖМШга қарашли 9-уйнинг 1-йўлиги



Ҳамза тумани, Тўзел мавзесидаги "Шамсиддин коммунал" ХУЖМШга қарашли 2-уйнинг 1-йўлиги



Мирзо Улугбек туманидаги "Олимпар" ХУЖМШга қарашли 1/10-уйнинг 4-йўлиги



Миробод туманидаги "Янги Қўйлик коммунал сервис" ХУЖМШга қарашли 19-уйнинг 4-йўлиги



Шайхонтоҳур туманидаги Марказ 1-мавзеси, "Коратут лидер коммунал" ХУЖМШга қарашли 1-уйнинг 1-кириш йўлиги

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Зийрак бобо шаҳар кезади

Дарҳақиқат, «Шаҳримиз озодалиги» деган тушунча ўз ичига кўп нарсани қамраб олади. Озода бўлганда ҳамма жой озода бўлиши керак.

Ховлилардан иборат маҳаллаларда-ку ҳар ким ўз уй-жойи ва унинг атрофини тоза-озода тутишга ҳаракат қилади. Бу борада шахримизнинг кўп қаватли уйлариди аҳвол қандай? Хусусан, кўп қаватли турар жойларнинг кириш йўлакларини тоза-озодами?

Бу — икки тарафнинг, аввало, шу уйлар қарайдиган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг, қолаверса, бевоқифа шу уйларда истиқомат қилаётган аҳолининг масъулиятига боғлиқ масала.

Ҳар қандай уйга остана ҳатлаб киримиз. Тоза-озода, саранжом-саришта жойдан ўтаётган ҳар қандай кишининг баҳри очилади, дили яйрайди, руҳи кўтарилади. Ота-боболаримиз: «Тоза-озода жойда бариб бўлади», — деб ҳисоблашган. Ҳақ гап.

Кўп қаватли уйлар кириш йўлакларининг аҳолига қараб, амалда бу уйда қандай одамлар яшаши, уларнинг турмуш маданияти ҳақида хулоса қилинади. Совчилар ҳам, биринчи навбатда, қиз яшайдиган ана шу уйнинг йўлига қарайди.

Кўп қаватли уйларда йўлакларни тоза-озода тутишнинг бир эътиборли тарафи шундаки, бу вазифани баҳамжиҳатлик билан, жамоа бўлиб ҳал қилиш керак. Йўлакни сақлаш, уни ифлос қилмаслик ҳам, вақтида таъмирлаб, ҳар кун суғуриб-сидириб туриш ҳам шу йўлакдан кириб-чиқадиган кишиларнинг виждоний вазифасига кириди. Чунки амалда кўп қаватли уйнинг бир йўлигидан 4 тадан 32 тагача хонадон ахли кириб чиқади.

Хўш, шахримиздаги кўп қаватли уйлар йўлакларининг бугунги аҳоли қандай? Шу мақсадда шаҳар кезиб, айрим туманларимиздаги кўп қаватли уйларнинг йўлакларини кўздан кечирдик. Бир олманг икки юзи бор, деганларидек, ҳам кишини қувонтирадиган, афсуски, ҳам дилни хира қиладиган манзараларга ҳам дуч келдик.

Сафаримизни Мирзо Улугбек туманидан бошладик. Олимпар шаҳарчасидаги «Олимпар» ХУЖМШга қарашли 1/10-уйнинг 3- ҳамда 4-йўлакларини кўриб, кўнгилмиз кўтарилди. Йўлаклар аjoyиб қилиб таъмирланган, ҳаммаёқ — тоза-озода.

Худди шу «Олимпар» ХУЖМШга қарашли 6- ва 7-йўлар олдидида ховлида ҳеч қандай тозаллик ишлари олиб борилмаганининг ҳам шохиди бўлди. Шанба «То-заллик куни» бўлишига қарамастан, бу ерда бирорта меҳнат қилаётган одамни кўрмайсан киши.

Мирзо Улугбек туманидан тўғри Ҳамза тумани томон йўл олдик. Тўзел мавзесидаги Усмон Носир маҳалласида бўлди. Маҳаллада 17 та кўп қаватли уй мавжуд. Уларда 4 минг 800 нафар киши истиқомат қилади. «Шамсиддин коммунал» ХУЖМШга қарашли 2-уйнинг 1-кириш йўлига диққатимизни тортди. Эътиборли томони шундаки, йўлак эшикларини чиройли қилиб бўялган. Ичкари ҳам — тоза-озода. Кирган кишининг баҳри-дили очилади.

Маҳалланинг «Тоҳир коммунал» ХУЖМШга қарашли 6-уй, 4-кириш йўлига ёнига яқинлашганимизда дилни хира қиладиган бир ҳолатга — йўлак эшиги олдидида қўрилиш чиқиндилари уюмига дуч келдик. Аввалига: «Йўлак таъмирланаётган экан-да», — деб ўйлаган эдик, аммо, адашган эканмиз. Ҳолбуки, чиқиндилар шу уйнинг бир фаросатсиз хонадонидан чиқариб ташланган экан.

Оқоридаги ҳолатдан кайфиятимиз тушиб, Миробод туманига йўл олдик. Тумандаги «Янги Қўйлик коммунал сервис» ХУЖМШга қарашли 19-уйнинг 4-кириш йўлига таъмирланган, эшикларни бўялган,

Азизлар!

Мақсадимиз битта — ободлик ҳар биримизнинг вазифамизга айлансин, уйларимизнинг йўлакларини ҳам тоза-озода, саранжом-саришта, ҳавас қиладиган даражада бўлсин.

Бу гал Зийрак бобого Дилмурод ИСЛОМОВ котиблик қилди, суратларни Исмоил Исмоилов туширди.

ичкариси ёруғ ва шинам. Йўлакка кир-вергида эса қатор арчалар экилган.

Шу уйнинг 5-йўлига кирганимизда эса ачинарли аҳволнинг гувоҳи бўлдик. Кишининг ёғинли кунларида бу ердан сув ўтиб кетган. Ис босган деворларнинг кўриниши одамнинг таъбини хира қиладди. Уйнинг 25- ва 26-хонадонлари эгалари билан суҳбатлашдик:

— Бу киши уйимизнинг барча хоналаридан чакка ўтди, — дейди 26-хонадон соҳиби Бахтиёр Маллабоев. — Ширкатга бир неча бор мурожаат қилдик, ана бугун, мана эрта, деб, кишини ҳам ўтказиб юборишди. Хар йили уйни таъмирлашга тўғри келяпти. Бу ўз-ўзидан бўлмайди-ку, ахир. Қанча харажат, қанча ташвиш. Ширкатдагилар эса арзимизни эшитишни ҳам хоҳлашмаяпти.

Сергели туманидаги Абдурахмон Жомий маҳалласида 23 та кўп қаватли уй мавжуд. Маҳалла аҳолисининг аксарияти шу уйларда истиқомат қилади. «Умумий меҳнат» ХУЖМШга қарашли 9-уйнинг 1- ва 3-йўлакларининг ҳамма ёғи — тоза-озода, эшикларни ялтираб турибди.

«Жомий коммунал» ХУЖМШга қарашли 5-уйнинг 1-йўлига эса бутунлай тескари манзаранинг гувоҳи бўлди. Йўлакнинг атрофи, умуман, суғурилмаган. Ҳаммаёқ ҳазон ва чиқиндилар билан тўлиб ётипти. Йўлак ичкарида ҳам сигарета қолдиқларига кўзингиз тушади. Юқори қаватга чиқганимизда томондан чакка ўтганини кўрдик ва уй эгаларини суҳбатга чорладик. Улар ўтган йиллари ҳам томондан чакка ўтганини айтишди. Ширкат раҳбари билан гаплашганимизда айнан мана шу уйнинг коммунал тўловлардан етти миллион сўм қарзи бор экан.

Шайхонтоҳур туманидаги Марказ 1-мавзеси, «Коратут лидер коммунал» ХУЖМШга қарашли биринчи уйнинг 1-кириш йўлининг саранжом-саришта ва озодалигини кўрган кишининг беихтиёр кайфияти кўтарилади. Йўлакка кирвергишнинг ўнг ва чап томонлари кўкаламзорлаштирилиб, арчалар экилган. Ҳаммаёқ ёғ туша ялагудек тоза.

Худди шу ширкатга қарашли 26-уйда эса аҳвол бутунлай ўзгача. Уйнинг ён атрофи умуман тозаланмаган, машина гаражлари ёнида чиқиндилар йиғилиб қолган. 4-кириш йўлига эса ачинарли бир ҳолда. Йўлак яқин йилларда таъмирланмаган. Деворининг сувқоқлари кўчиб кетган. Бу ерда яшовчиларнинг парвои палок.

Халқимизда: «Қарс икки кўлдан чиқарди», — деган бир гап бор. Биз хонадонларимизни чароғон қилиб турган электр, беминнат иссиқлик қуввати, дастёр каби иссиқ ва совуқ сув, хуллас, барча коммунал хизматлар учун тўловларни вақтида тўламасак, ширкат қаердан маблағ олиб, томишимизни бутлайди, қувуларимизни янгилайди, йўлакларимизни таъмирлайди? Бу ҳам майли-я, ён-атрофимизни тозалаш маблағ талаб этмайди-ку. Ота-боболаримиз: «Сулурилмаган уйга меҳмон келади», — дейди. Биз меҳмон келмаслигини эмас, уйни суғуриб қўйишни ўйлашимиз керак.

Тозалик ва озодалик, турар жойларимиз, ён-атрофимизни саранжом-саришта қилиш халқимизнинг энг юксак инсонийлик фазилатларидан саналиб, булар замирида ёшларимизни меҳнатсеварликка, табиати эъзозлашга ўргатиш, уларнинг қалбидида меҳор-қибат туйғуларини қарор топтириш мақсади — мўжассам.

Мана, Мирзо Улугбек, Ҳамза, Миробод, Сергели ва Шайхонтоҳур туманларидаги кўп қаватли уйлар йўлакларининг аҳолидан воқиф бўлди. Аммо бу кузатишларимизни тўхтатиб қўймаймиз, қолган туманларда ҳам давом эттирамиз. Айрим лояқид хонадонларни номма-ном бериб боламиз. Зора уялишса, ўзларига керакли хулоса чиқаришса.

...ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР



Сергели туманидаги "Жомий коммунал" ХУЖМШга қарашли 5-уй, 1-йўлидаги аҳвол



Ҳамза туманидаги "Тоҳир коммунал" ХУЖМШга қарашли 6-уйнинг 4-кириш йўлиги



Мирзо Улугбек туманидаги "Олимпар" ХУЖМШга қарашли 6/7-уйнинг 1-кириш йўлиги



Миробод туманидаги "Янги Қўйлик коммунал сервис" ХУЖМШга қарашли 19-уйнинг 5-йўлиги



Шайхонтоҳур туманидаги Марказ 1-мавзеси, "Коратут лидер коммунал" ХУЖМШга қарашли 26-уйнинг 4-кириш йўлидаги аҳвол

Яқинда Шанхай кутубхонасида Тошкент ва мазкур мегаполис ўртасида биродарлашув муносабатлари ўрнатилганининг 19 йиллигига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда ўзбек рассомлари ижодига мансуб ранг-баранг асарлар намойиш этилди.

ЎЗБЕК МУСАВВИРЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ ШАНХАЙДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизнинг Бош консуллиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ва Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмаси (ШХМДУ) томонидан ташкил этилган мазкур кўргазма давомида Шанхай шаҳар жамоатчилиги ҳамда ушбу мегаполис меҳмонларининг эътиборига А.Нур, Г.Қодиров, М.Исанов, М.Содиқов, Ф.Аҳмадалиев, Х.Зияхонов ва бошқа ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг ижод намуналари намойиш этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Шанхай хорижий мамлакатлар билан дўстлик уюшмасининг Бош котиби Юй Сзынхао тадбир қатнашчиларини қутлар экан, ўзбек санъат усталарининг маҳоратига юқори баҳо бергани баробарида турли рангдаги тасвирлар, муаллифларнинг юксак қобилиятидан далолат берувчи илиқ руҳдаги композициялар ўзида жуда катта таассурот қолдирганини айтди.

— Ўзбек мусаввирларининг асарлари рангларининг ёрқинлиги, миллий турфа хиллиги, ранглар жилодорлигининг уйғунлиги, образлар хилма-хиллиги билан алоҳида ажралиб туради, — деди Юй Сзынхао. — Буларнинг барчаси мамлакатда санъатнинг юксак тараққиё топаганидан далолат беради.

Шанхай кутубхонаси директорининг ўринбосари Хэ Юйнинг айтишича, кўргазмада намойиш этилган ҳар бир асарда Ўзбекистон ва унинг замонавий тараққиёти ёрқин рангларда ўзифосини топади.

— Уларда ўлканинг бетакрор табиати, мамлакат бағрида жойлашган қадимий ва навқирон шаҳарлар, тарихий осори-атикалар, халқнинг миллий урф-одатлари ва қадриятларидан «сўзлайдиган» лаҳзалар маҳорат билан тасвирланган, — деди у. — Булар эса кўргазмага ташриф буюрган меҳмонларга Буюк Ипак йўлининг ётачки давлатларидан бири ҳисобланадиган Ўзбекистон ҳақидаги билимларини янада бойитишга кўмаклашди, деб ўйлайман.

«Жаҳон» АА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

«KOCNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Яқкасарой туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 03.01.2011 йилдаги 2-124/1-сонли ижро варақасига асосан, «Sheila Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Суҳрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м. бўлган 4 қаватли ертўлали маъмурий бино ва иншоотлар тақдоран қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 1 289 433 131,55 сўм.

Савдо 2013 йил 27 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати — 2013 йил 25 март куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Юртимиз мустақилликка эришгач, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама бақувват этиб вояга етказиш, уларни спортга ошно этиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Энг муҳими эса биз спортни фақат галаба қозониш маҳсули эмас, балки руҳан камолга эришиш воситаси сифатида қабул қилдик. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган бу эзгу чора-тадбирлар ўз натижасини кўрсатмоқда, албатта. Биргина ўзбек футбол эришяётган муваффақиятлар мисолида ҳам фикримиз ўз тасдиғини топади.

Бу жараёнда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ҳамда 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарорлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарорларга асосан болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантириш, янги ўқув-машғулот масканлари, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, футбол билан шугулланувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратиш борасида улкан ишлар амалга ошириляптир. Хусусан, Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида қуриб битказилган «Бунёдкор» стадиони бу каби эзгу ишларнинг юксак амалий ифодаси бўлди.

Ушбу янги иншоот билан танишган Президентимиз «Биз жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган улуг мутафаккир ва алломаларнинг авлодларимиз, бой маданиятга, эзгу қадриятларга эга халқимиз. Халқимизнинг ана шундай гўзал фазилатлари мана бундай стадионларда ўтказиладиган футбол ўрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак. Ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишдан қатъи назар унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши даркор. Бу борада Ўзбекистон Футбол федерацияси, футбол клубларимиз раҳбарлари, мутахассислар футбол мухлислари ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориши лозим. Бир сўз билан айтганда, юртимизда мухлислик маданиятини ҳам энг юқори даражага кўтаришимиз даркор», дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, мухлислик маданиятининг ўзига яраша масъулияти ва мезонлари мавжуд. Бу масала бугунги кунда, айниқса, футбол атрофида долзарблигича қолмоқда. Бойси, дунё миқёсида футбол ривожлангани сайин у билан бирга турли хунук одатлар ҳам одимлаб келмоқда.

Очилишни айтганда, инсон тасаввур олами кенг ва мураккаб: у ҳаёл суради, фикрлайди, мулоҳаза юритади. Бу жараёнда янги мушоҳадалар шакллана боради. Аслида киши тасаввурини ўзгартириш учун кўп вақт керак, баъзан эса бир оний воқеа кифоя. Масалан, битта чиройли гол. Агар миллионлар ўйинига қизиксангиз, таъкидлаб қўйлик: футбол — ҳам спорт, ҳам санъат. Шу боис, футбол теварағиди бахслар, мунозара ва муҳокамалар, таклиф, эътироф, таскин ҳамда истаклар асло сусаймайди. Бинобарин, футбол ер юзидида аксарият одамлар учун энг қизиқарли ўйин, энг кўнглинчар томошага айланиб улгурди. Энди одам ав-

лодлари тўртбурчак майдонда тўпнинг шунчаки юмалашини кўриш учун эмас, балки ҳавода ва ерда шиддату гўзаллик касб этаётган тўп ва оёқлар фалсафасини, ўйинчиларнинг юз ифодасию, табассум ва афсусларини, хуллас, ҳиссиётларини кўриш, англаш учун мусобақаларга келадики бўлдилар. Чунки инсон табиати азалдан ҳиссиётларга, ифодаларга ўч бўлган. Футболни эса бемалол ҳиссиёт ва ифодалар ўйини дейиш мумкин.

Кейинги йилларда футболнинг катта бизнесга айланиб бораётгани ҳам маълум — ҳеч кимга сир эмас. Айтилик, бугун қайси ўйинчилар баҳоси қанча эканлиги ҳақидаги бахслар одат тусига кирган. «Энг қиммат ўйинчи», «Энг бой футбол клуби», «Энг бой футболчи» каби терминлар пайдо бўлдики, улар атрофидаги моддиятга мойил максадлар урчиши баробарида спортга, инсон кадр-қиммати-

МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ ВА МУХЛИСЛИК МАДАНИЯТИ

га пугур етказадиган ҳолатлар юзага келиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ана шундай манзаралардан бири футбол фанатлари билан гаудаланади.

«Фанат» сўзи латинчада «кўр-қўрона ишонувчи», «асабий» деган маъноларни билдиради. Маълумки, моҳияти англамай қилинган хатти-ҳаракат интихоси ҳар гал нохуш туғайди. Асабийлик эса шундай бошланади. Бугунги дунё футбол «фанат»ларини ҳам шу ҳолат ё тоифага менғаш мумкинмикин? Ўхшаши йўқ оҳанг ва сандирок қўшиқ сўзларига жазавога тушаётган «санъат шайдолари»ни кўп кузатгансиз. Хорижий юртлар, айниқса, Европа стадионларидаги «фанатлар» ҳам улардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Баъзилари яланғоч баданидаги турфа ёзув ва беўхшов татуировкалари, бачкана безак ва тақинчоқларини шақирлатиб жунбўшга тушади. Уларнинг асл мақсади нима экан, деган саволмуз ўй туғилади. Бу футболга муҳаббатми ё ўзаро тотувликка, ҳам спорт, ҳам санъатга айланган футбол жозибасига пугур етказиш, турли низолар келтириб чиқариш мақсадида атай ўйланган усулми? Эҳтимол, бу бугун дунё бўйлаб шахдам одимлаётган «оммавий маданият»нинг мухлислик нуқоби остидаги ёлғон кўринишидир?

Дарвоқе, мухлис ким ўзи? «Мухлис» сўзи — «ихлос қўйган», «ишонган» деган маъноларни англатади. Ҳақиқий мухлис юксак маданият соҳиб бўлиб, айтилик, сеvimли жамоасининг галабасини ҳам, мағлубиятини ҳам муносиб

қабул қилади. У жазавога тушиб, бошини трибуналарга урмайди, унинг стадион ўриндигида мавжудлигидан футболчиларнинг кўнгли хира тортмайди, хавотирга тушмайди. Аксинча, футболчи тўп сураар экан, ўз муҳлисини кўриб руҳи кўтарилади, вужудига галабага иштиёқ ортади, ортида Ватани, халқи борлигини ҳис этади. Шундай дамларда, албатта, галаба муҳлис томонда бўлади.

Албатта, халқимизда мухлислик маданияти юқори шакллланган. Шундай экан, биз ҳақиқий миллий менталитетимизга хос мухлислик маданияти билан сеvimли жамоамизни кўллаб-қувватламоғимиз зарур. Зеро, айни шу каби маданият орқали ҳам бизни дунё танийди. Фақат бизгагина хос олийжаноблик, вазминлик ва мушоҳадакорлик, до-нишмандлик каби хислатларимизни спортда, хусусан, футболда ҳам қўласак нур устига аъло нурдир.

Мамлакатимизда футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида мухлислар жамоат тартиби ва ахлоқ нормаларига риоя этишлари, хусусан, спорт иншоотининг жиҳозларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари, бошқа жамоаларнинг мухлисларига нисбатан кўпол муносабатда бўлмасликлари, атрофдагиларга ҳавф соладиган ҳаракатларни содир этмасликлари, шубҳали предметлар ва буюмларни кўрганда зудлик билан спорт иншооти маъмурияти ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига хабар беришлари, давлат рамзаларига, шунингдек, Ўзбекистон Футбол федерацияси, Ўзбекистон Проффессионал футбол лигаси, клублар ва жамоаларнинг рамзаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Футбол бўйича спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида томошабинларнинг (мухлисларнинг) ўзини тутиш қоидалари»да ҳам ўз аксини топган.

Дарвоқе, юртимизда 2013 йилги футбол мавсумига старт берилишига ҳам оз муддат қолди. Ҳали бизда мавсум бошланмасиданоқ Осиё Чемпионлар лигаси гуруҳ босқичларида баҳсга киришган «Пахтакор» ва «Бунёдкор» футбол клубларимиз дастлабки ўрашувларда галабага эришиб, барча мухлисларимизни қувонтиришди. Демак, йил давомида ҳали мухлисларимизнинг галабали ҳайқириклари янграйдиган онлари кўп бўлади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтайлик, мамлакатимизда футбол мухлислари учун барча қўлайликлар муҳайё. Шаҳару кишлоқларимизда қуриляётган мухташам спорт иншоотлари, футбол стадионларида томошабин-мухлислар учун энг қўлай шароитлар яратилган. Эндиликдаги вазифа эса футбол клублари ва мухлислар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, стадионларда мухлислик маданияти тартиб-қоидаларига риоя этилишини таъминлаш, айни шу мақсад йўлида ёш ва баркамол авлодимизни ватанпарварлик, бағрикенглик, ҷумардлик, вазминлик руҳида тарбиялаш барчамизнинг бурчимиздир. Биз яхши биламиз — бобокалонларимиз дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган, ҳар бир хатти-ҳаракатлари замирида доимо фалсафийлик акс этган, илму маърифатли кишилар бўлган. Ҳаммамиз шунини ҳис этсак, шунга интилсак доимо тараққиётга, мудом галабага эришамиз.

Улугбек АСРОРОВ,
«Туркистон-пресс»



ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Бу йил ҳам анъана давом этирилди — Ички ишлар вазирлиги бош бошкарма, бошкарма ва мустақил бўлимлари жамоалари ўртасида спортнинг кўпқураш ва мини футбол турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Турнирда қатнашчилар спортнинг ўқ отиш, турникда тортилиш, 4 кишидан 100 ва 1000 метрга югуриш ва стол теннис буйича баҳс олиб бдорилар.

Якуний натижаларга кўра, ўқ отиш бўйича шахсий таркиб билан ишлаш хизмати инспектори, капитан М. Рустамов, турникда тортилиш баҳсида махсус отряд ходими, лейтенант Б. Очиров, 4х100 метрга эстафета югуриши бўйича моддий-техника таъминоти бошкармаси ходимлари, 1000 метрга югуришда махсус отряд ходими майор В. Набиев, стол теннис мусобақаларида лейтенант О. Насимовлар ғолиб чиқиди.

Мини футболнинг финал босқичида вазирлиқнинг пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошкармасига қарашли алоҳида милиция батальони жамоаси ғолибликни кўлга киритди.

Вазирлигимиз томонидан ташкил этилган мусобақаларда ўтган йиллари ҳам иштирок этганмиз, — дейди ғолиб жамоа вакили сержант Равшан Султонов. — 2012 йилда иккинчи ўринни эгаллаган эдик, бу йил омадимиз келиб, биринчи ўринни кўлга

Кейинги йилларда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида ҳам жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ички ишлар тизимида хизмат қилаётган посбонлар ўртасида ҳар йили турли спорт мусобақалари ўтказилаётир.

киритдик. Бундан қувончимиз чексиз. Спорт билан мунтазам шугулланиш ҳамма учун ҳар томонлама фойдалидир. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Мусобақаларда вазирлиқнинг аёл ходимлари ҳам иштирок этишиб, яхши натижаларга эришишди. Минг метрга югуриш бўйича биринчи ўринни эгаллаган, капитан Озода Топилова — улардан бири.

— Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан аёллар спортига ҳам катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Озода опа. — Аёлларимизнинг спорт билан шугулланиши соғлом фарзандлар дунёга келишида муҳим аҳамият касб этади. Нафакат ички ишлар идоралари аёл ходимлари, балки, барча соҳаларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар спорт билан ҳамнафас бўлсалар, ўйлайманки, фойдалдан холи бўлмайди.

Вазирлиқнинг спорт иншоотида беллашувларнинг якуний босқичига бағишланган тантанали

тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ички ишлар вазирини ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев, Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғи ўринбосари, подполковник Қобил Каримов ва бошқалар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ички ишлар идораларида хизмат қилаётган оқсоқиллигимиз посбонларининг билим ва касб малакасини, жисмоний тайёргарлигини ошириш, улар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиляётганини таъкидлаб ўтишди.

Тадбирда мусобақа ғолиб ва совриндорларига вазирлик томонидан диплом ва қимматбаҳо эс-далик совғалари топширилди.

Махсус хизмат вакиллари ва бадийий жамоаларнинг кўргазмаларини қилиш ҳамда куй-қўшиқлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Абдували СОДИКОВ
Ислам Исмоилов
олган сурат

Спорт янгиликлари

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан дунё клубларининг январь ойи учун янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унда мамлакатимизнинг ўтган йилги Биллур соврин соҳибини ҳамда чемпионат қувонч медалини совриндори «Бунёдкор» 116-ўринда қайди этилди. Аввалги рейтинг якунига нисбатан Миржалол Қосимов шгирдлари икки поғона юқорилаган бўлса, 296-ўринда кўрсатилган амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» 14 поғона юқорилашга муваффақ бўлган. Чунки олдинги рейтингда пахтакорчилар 310-ўринга лойиқ қўрилган эди.

Рейтинг жадвалида ҳамон Испаниянинг «Барселона» клуби пешқадамлик қилаётган бўлса, Испаниянинг бошқа бир жамоаси «Атлетико» иккинчи ўринда, Лондоннинг «Челси» клуби учинчи ўринда бормоқда.

Акбар Йўлдошев

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР БАҲСГА КИРИШДИ

Ўзбекистон Футбол федерацияси ва Профационал футбол лигаси томонидан ташкил этилган Ёшлар лигаси мусобақаси бошланди.


Учинчи маротаба ўтказилаётган мазкур турнирда миллий чемпионатимиз олий лигасида иштирок этаётган жамоаларнинг 22 ёшгача бўлган футболчилари қатнашади. Уларнинг тахрибасини ошириш мақсадида уч нафар ёш катта футболчилари майдонга туширишга ҳам рўхсат этилади.

Ёшлар лигасининг ўтган йилги ғолиби — «Пахтакор» жамоаси футболчилари янги мавсумдаги биринчи ўрашувда Наманганнинг «Навбахор» жамоасини қабул қилиб, Абдулазиз Юсупов ва Игорь Роговановнинг голлари эвазига 2:0 ҳисобида зафар қўчди.

Зарафшонда «Қизилқум»нинг ёш футболчилари ўз майдонида мусобақа дебютанти — Сирдарё вилоятининг «Гулистон» жамоасига 2:3 ҳисобида ўтказди. Бекободда «Металлург» ва Ғузорнинг «Шўртан» жамоалари баҳси 1:1 ҳисобида якунланди.

Қолган ўрашувларда галаба мезбонларга насиб этди: «Локомотив» (Тошкент) — «Бухоро» (Бухоро) 2:0, «Сўғдиёна» (Жиззах) 5:1, «Нефтчи» (Фарғона) — «Динамо» (Самарқанд) 3:0, «Насаф» (Қарши) — «Олмалик» (Олмалик) 3:2.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Инсоннинг шаъни ҳамма нарсадан устундир.

Боланинг ўзида бўлмаса, минг туртки бекор.

Ёмон дўст фақат ташвиш келтиради.

Ортга сурилган иш кўпинча қолиб кетади.

Ҳамма ўз ишини қилса — олам гулистон.

Ақл билан хулқ ҳамиша ҳам бирга бўлавермайди.

Бировнинг қарашини ўзгартириш осон эмас.

Ҳар ким ўз билганича яшайди.

Ҳаммага ўз ҳаёти маъкул.

Одам боласи кўз олдида турган нарсалар интилади.

Бировни алдаган аслида ўзини алдайди.

Равоси йўқнинг давоси йўқ.

Бошга тушмагунча бўйнингга олмайсан.

Сўхбат ҳам тарбия воситаси.

Ҳамма нарса ўтади, лекин хотираси қолади.

Ким шухрат отини минади, ким бойлик отини.

Болага интилиши учун имкон қолдириш керак.

Дунёда ихтиёрингдан ташқари ишлар кўп.

Мавқе интилиш билан қўлга киритилади.

Ўзингга қарамасанг ҳам, сўзингга қара.

Ўзидан ўзгани тан олмаслик худбинликдир.

Ҳеч кимнинг гап-сўзга нишон бўлгиси келмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

ража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 6 мартда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида 6 март кунини ҳаво ўзгариб турди, кечга бориб ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан се-кундица 5-10 метр тезлик-да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10 даража, ишқ, кундузи — 18-20 да-

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида теришди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14221 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Босишга топширилди: 17.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ